DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7632225 Pages: 453-460





WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН ҚИЗЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.

Моҳинур Рўзиева
магистрант
Mokhinurruzieva99@gmail.com

Калит сўзлар: гендер тенглик, патриархал қонунлар ва урф-одатлар, феминизм, БМТ нинг халқаро ҳуқуқ нормаларида аёллар

Аннотация: Ушбу мақолада аёлларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрни кеча ва бугун мисолида талқин қилинди ҳамда аёлларнинг ҳаётнинг бу соҳаларида муҳим ўрин тутганликлари аниқланди. Мозийда аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли доим ҳам бир ҳилда бўлмаганлиги аёлларнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳуқулари чекланиб қўйилганлигини тарихий адабиётларда келтирилган маълумотлардан билишимиз мумкин. Жамият ривожининг тарихий босқичларида аёлларнинг урушда жасорат кўрсатганлигини йўлбошчи бўлганлигини ҳамда мулкдор ва доно ҳукумдор бўлганлиги уларнинг дипломатик сиёсати натижасида давлатнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари анчайин ўсган. Айнан аёлларнинг мана шундай оқилона сиёсат юритиши кўплаб давлатлар ҳукумдорларига ўрнак бўлганлигини манабалар қайд этиб ўтган.

THE ROLE OF THE THESAURUS IN THE SEMANTIC ANALYSIS

Keywords: gender equality, patriarchal laws and customs, feminism, women in international law UN

Annotation: This article discusses the role of women in the socio-economic and cultural life of society yesterday and today, and identifies the important role of women in these areas of life. We can learn from historical literature that the role of women in modern society was not always uniform, and women's political, social and economic rights were limited. In the historical stages of the development of the society, women showed bravery in war, they were leaders, and they were owners and wise rulers. Sources have noted that this kind of rational policy of women has become an example for the rulers of many countries.

РОЛЬ ТЕЗАУРУСА В СЕМАНТИЧЕСКОМ АНАЛИЗЕ

Ключевые слова: гендерное равенство, патриархальные законы и обычаи, феминизм, женщины в международном праве ООН

Аннотация:В этой статье рассматривается роль женщин в социально-экономической и культурной жизни общества вчера и сегодня, а также указывается на важную роль, которую женщины играют в этих сферах жизни. Из исторической литературы мы можем узнать, что роль женщины в современном обществе не всегда была одинаковой, а политические, социальные и экономические права женщин были ограничены. На исторических этапах развития общества женщины проявляли храбрость на войне, были лидерами, собственниками и мудрыми правителями. Источники отмечают, что такая рациональная политика женщин стала примером для правителей многих стран.

Аёллар ҳуқуқлари масаласи бир неча минг йиллар давомида шаклланиб сиёсий ҳуқуқий ахлоқий диний фалсафий тафаккурнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Аёллар ҳуқуқларининг тарихий-ҳуқуқий шаклланиш даврларини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Қадимги давр – аёл ҳуқулари бўйича илк қарашлар пайдо бўлган пайтдан то эрамизнинг VII асргача бўлган давр.
2. Ўрта асрлар даври – VII-XVIII асрлар.
3. Классик давр – XIX-XX асрнинг ярми.
4. Замонавий давр – XX асрнинг биринчи ярмидан ҳозирги кунга қадар[1.Б.31-45].

Қадимги даврларда аёллар ҳуқуқларига оид илк қарашлар қадимги Греция ва Рим Месопатамия Миср Хитой Ҳиндистон ва Марказий Осиёда шаклланган. Тараққиётнинг маълум босқичларида ҳар қандай жамиятда гендер тенгсизлиги мавжуд бўлишига қарамасдан, аёллар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ўз ўрнига эга бўлган.

Шу ўринда, Марказий Осиё анъанавий жамиятларида муайян даражада гендер тенгсизлик мавжуд бўлганлигини қайд этиш лозим. Аммо бу билан “аёлларнинг ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи таъқиқланган, улар

фақат уй-рўзғор юмушлари, фарзанд тарбияси билан машғул бўлиши жоиз саналган”[2.Б.27-28] деган бир ёқлама қарашларни инкор қилган ҳолда, аёлларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётда (ишлаб чиқариш, мулкчилик ва бошқа) ва ижтимоий муносабатларда иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар қадимий турк халқларида она уруғи имтиёзга эга бўлган.Аёл ҳуқуқларининг муҳофаза этилганлиги турк одат ҳуқуқлари ва Сўғд хужжатларида яққол намоён бўлади. Турк хоқонлигида қадимий туркийларнинг одатига кўра аёл киши – она қадрланган. Хотин-қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлган қонун аёлларни қаттиқ ҳимоя қилган[3.Б.56-61]. Бу хусусида сўз борар экан энг аввало Ўзбекистон тарихида милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида давлатни бошқарган малика Томур хотун жасорати ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Рим тарихчи Помпей Трог (милоддан аввалги I аср) томонидан ёзиб қолдирилган манбаларнинг гувоҳлик беришича малика Томур хотун саркардалик қилган турк қўшини ҳужумидан эронлик лашкарларидан бирор киши ҳам қутулиб қолмаган.[4.Б.4-10]

Ўзбекистон тарихининг кўплаб даврларида миллатлараро муносабатлар ижтимоий-иктисодий тараккиётнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этиб келинган. XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чораги, яъни мустамлака ва совет тузумининг дастлабки давридаги туркий халқлар хамкорлиги ўзига хос тарзда тараққий этиб борди. Буни биз жадидчилик ҳаракати ва бошка бир қатор маданий-маънавий ҳамкорлик алоқаларида кузатишимиз мумкин. Жумладан, XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чорагидаги халқаро муносабатларда хотин-қизларнинг тутган ўрни,

уларнинг жамият тараққиётидаги иштироки масалалари Туркистон маърифатпарварларининг диққат марказида бўлди. Чунки аёл миллат фарзандлари тарбиячиси ҳисобланиб, уларнинг маърифатли бўлиши муҳим аҳамиятга эгалиги боис, хотин-қизлар маорифи масалалари мазкур даврнинг долзарб муаммоларидан бири саналиб келган. Ўша даврда аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишда уларнинг билим салоҳиятини юксалтиришда

эркаклар билан жамият ҳаётида, ўзоро тенглик асосида, ижтимоийлашган ҳолда фаолият олиб боришда, биринчи навбатда, маориф соҳасини ислоҳ қилишдан бошланганлиги бежиз эмас, албатта.

«…Собиқ совет мустамлакачилиги даврида яратилган адабиётларда коммунистик мафкура асосидаги ёндашув, яъни ўтмишда Туркистон аёлларининг «мутлако саводсиз» бўлганлиги, жиддий қаршиликларга карамай, Шарқ аёлларининг «озодликка чиқиш» учун уларнинг ўзида ички интилишлар кучли бўлганлиги таъкидланган. Туркистондаги маърифатпарварлик харакати намояндаларининг олиб борган фаолиятини салбий баҳолаб, ўқитиш ишлари хам сезиларли даражада тараққий этмаган деб кайд этилган. Жумладан, собиқ совет даврида чоп этилган адабиётларда янги усул мактабларида жорий қилинган янгиликларга қарамай олинган билим даражаси қамрови юқори бўлмай, мазкур билим масканларида ягона илмий фан, яъни арифметика ўқитилган деб нотўғри маълумот келтирилган.»[5.Б.190-191] Ана шундай даврда аёлларнинг жамият маданий-маьрифий ҳаётида эркаклар билан тенглик ҳуқуқи аста секинлик билан тенглаша борди.

Хотин-қизларга алоҳида шахс сифатида ҳурмат эьтибор билан муносабатда бўлмасдан туриб янги жамият барпо этиб бўлмаслиги бизга асрлар давомида азалий ҳақиқатга айланиб бораётгани маьлум. Шаркда қадимдан шариат ва одат нормаларидаги тамойиллар ўзбек аёлиниг ҳаёт тарзини белгилаб берган. "…Шарқ мамлакатларида аёллар ва қизлар билан савдо қилувчи қул бозорлари ҳам мавжуд бўлган. Бухоронинг сўнгги амири ҳарамида 300 га яқин аёл, яьни чўри ва канизаклари бўлган. Бухорода шундай аёллар қамоқхоналари бўлганки, у ерларда эрларига бўйсунмаган, қизларга таьлим бермоқчи бўлган аёллар қозилар ҳукмига биноан, баьзан эса суд қилинмасдан сақланган. Кўпхотинлилик, қизларни ёшлигида сотиш ақидапараст руҳонийлар томонидан қонунийлаштирилган…"[6.Б.3-4] Ҳар қандай шаклда амалга оширилган камситилиш аёлни эркаклар эга бўлган имкониятлардан маҳрум қилиб, муқаррар равишда унинг амалдаги

тенгсизлигига олиб келади. Ваҳоланки, ислом динида аёлларни ҳурмат қилиш ва севишга даьват қилинган. “...Қурьони каримда таькидланишича, эркак ва аёл, уларнинг қобилияти ва лаёқати тенг ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Нисо” сурасида аёл, уй, оила, давлат, жамиятга алоқадор бўлган муҳим масалаларга жавоб берилади. Хусусан, эр-хотин ўртасидаги алоқалар – уларнинг бир-бирлари олдидаги ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда эр оилада бошлиқ экани ва бу ҳуқуқдан у қандай фойдаланиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриқлар берилади. Сўнгра оила доирасидан жамият миқиёсига чиқиб, жамият мустаҳкам бўлиши учун кишилар ўртасида бирдамлик ва меҳр-шафқат, хослик ва бағрикенглик барқарор бўлиши зарурлиги ўзига хос услубда уқтирилади. Бу сурада бошқалардагига нисабатан аёлларга оид шариат ҳукмлари кўп ва батафсил баён этилганлиги сабабли унга «Нисо – аёллар» номи берилган.[7.Б.76-79]

Мисрлик олим Муҳаммад Қутб мусулмон аёлларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақида «Европада аёллар ўз ҳуқуқларига асрлар давомида узоқ ва шиддатли курашиб эришган бўлсалар мусулмон аёллар эса ўз иқтисодий ва ҳуқуқий мустақилликларини ислом дини орқали қўлга киритганлар…»[8.Б.103-104] дея таьрифлаган.

Аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмини ташкил этади. Тарихдан маьлумки, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиликка эришиш йўлидаги назарияси феминизм номи билан аталган. Социологлар кўп йиллар давомида патриархал қонунларни жамиятда ва оилада доминантлик эканлигини таьрифлаб келишганюФеминистлар эса бу қарашларни нотўғри эканлигини исботлашга урунишди. Бундай оқимлар яқин тарихда вужудга келган бўлса-да, феминизм – хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни кенгайтириш учун кураш – узоқ тарихга эга бўлиб, XVIII асрга бориб тақалади. «…Патриархал қонунлар ва урф-одатларга қарши чиққан дастлабки исёнчи аёллар сафига биринчилардан бўлиб француз Олимпия де Гуж, ингилиз Мери Уолстонкрафт, америкалик Абигайль Адамсларнинг номларини келтиришимиз мумкин. Уларнинг фикрича, аёл – «femme»

(Феминизм атамаси ана шундан келиб чиққан) тўлақонли инсон шунинг учун ҳам у эркаклар буржуа инқилоблари жараёнида қўлга киритган фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим. Эркак ва аёлнинг фуқаровий ҳуқуқлилиги ғояси бўлган қарашлар тизими «**феминизм**» деб аталди…»[9.Б.11-12]

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар ва эркакларнинг тенглик принципи тарафдоридир. Давлатимиз ҳам БМТнинг аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таьминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб- кувватлайди ва маьқуллайди. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг жамиятдаги тенглик принципига амал қилишининг ёркин кафолати сифатида асосий қонунимиз – Конституциямизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар»[10.Б.17] тамойили билан мустаҳкамлаб қўйилган. Аёл ҳуқуқлари халқаро хуқуқнинг энг долзарб ва изчил ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлиб, аёл ҳуқуқлари ғояси азалдан инсониятни ўзига жалб этган. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўтган йиллар мобайнида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб 100 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ратификация қилинди. Хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш ҳозирда жадаллик билан ривожланиб бораётган замонда муҳим аҳамият касб этади. Чунки жуда кўплаб касбларда аёллар меҳнатига эҳтиёж бор. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ёшлар таьлим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббус ишлаб чиқилди ва бешинчи ташаббус айнан хотин-қизларни иш билан таьминлаш борасида алоҳида чора тадбирлар жорий қилинишига бағишланди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи ҳам тўла таьминланган бўлиб, давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки борган сари фаол тус олмоқда.

Жумладан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи хотин-қизлардан иборатдир. Бугунги кунда аёлларимиз барча соҳаларда эркин ишлаш имкониятига эга бўлиб, хоҳ маориф бўлсин, хоҳ санъат ёки ижтимоий-сиёсий соҳалар ҳамда тадбиркорлик ва фермерлик соҳалари бўлсин барчасида аёллар меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1400 га яқин аёлларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни саноатда 38 фоизни ташкил этмокда. Шунинг баробарида, аёлларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Мамлакатимизда гендер тенглиги бўйича миллий институтлар, яьни Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжат лари мониторинги институти фаолияти йўлга қўйилиб уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, ҳозир Адлия ва Ички ишлар вазирликларида, Бош прокуратурада гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича махсус тузилмалар самарали ишлаб турибди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

[1]. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: дарслик. – Т.2001. –31-45-б.

[2]. Гребенкин Г. Узбеки \\ Туркестанские ведомости.1871, № 30. –27-28-б.

[3]. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т. 2003. –60-61-б.

[4]. Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. – Т. 2002.- 4-10-б.

[5]. История Узбекской ССР.—Т.: «Фан», 1974. — С. -190- 191-б.

[6]. Инагамова.М. «Халқаро ва миллий қонунчиликда аёл ҳуқуқлари»: Ўқув қўлланма_Т.; - 2010. – 3-4-б.

[7]. Абдулазиз Мансур. «Қурьони Карим» маьноларининг таржимаси :.
[8]. «Нисо» сураси.; Т. – 2001-й. –76-79-б.
[9]. Муҳаммад Қутб.Ислам ва-ал-марьа.Шабухат хавла-л-ислам. Қоҳира,1954. – 103-104-б.
[10]. Women in Revolutionary Paris 1789 – 1795: Selected Documents. –11-12-б.
[11]. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент:“Ўзбекистон” НМИУ, 2019. –17-б.